



# O'ZBEKISTON OVOZI

SHU AZIZ  
VATAN —  
BARHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2010-yil • 27-noyabr • Shanba • 138 (31.258) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan  
www.uzbekistonovozi.uz e-mail: info@uzbekistonovozi.uz

## TRANSPORT IYLAQLARINI RIVOJLANТИРИШ — МИНТАҚАНИ БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЙ ЭТТИРИШНИНГ МУХИМ ОМИЛИ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ташқи сиёсат масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги ҳамда Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ташкил этилиб, 25 ноябрда ўтказилган давра суҳбати Марказий Осиё минтақаси транспорт йўлақларини ҳамда ушбу соҳада халқаро ҳамкорликни ривожлантириш муаммоларига бағишланди.



Давра суҳбати қатнашчилари қайд этганларидек, Марказий Осиёнинг географик жойлашуви, яъни денгиз бандаргоҳларига тўғридан-тўғри чиқиш йўллари йўқлиги минтақа мамлакатларининг жаҳон ҳўжалик алоқаларига кенг қўламда кириб боришини секинлаштириб қўяптир. Шу муносабат билан халқаро аҳамиятга молик транспорт йўлақларини ривожлантириш минтақанинг барқарор тараққий этишини таъминлаш учун зарур бўлган гоат муҳим вазифадир.

Мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов томонидан таъкидланганидек, «транспорт тармоқлари ва коммуникацияларини ривожлантириш масалалари Ўзбекистоннинг географик ўрни, бандаргоҳларга ва гоат йирик транспорт тўнгуларига чиқиш йўллари йўқлиги туфайли устувор, стратегик, ҳаётий муҳим аҳамият касб этмоқда».

Давра суҳбатида сўзга чиққанлар Ўзбекистонда мустақиллик йилларида мамлакатимиз Президенти Ислоом Каримов ташаббуси билан ва унинг раҳбарлиги остида халқаро транспорт йўлақларини ривожлантириш бўйича жуда катта иш амалга оширилганини таъкидлашди. Мамлакатимиз ўз ресурслари ҳисобидан халқаро йўлакнинг гоат муҳим унсури бўлмиш ички транспорт тизимини мунтазам равишда ривожлантириб бормоқда.

(Давоми 2-бетда.)




8 декабрь — Конституция қабул қилинган кун

## Ҳар бир инсон малакали тиббий хизматдан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

(Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. 40-модда)

Президентимиз Ислоом Каримов жорий йилнинг 12 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» мавзусидаги маърузасида мамлакатимизда истиқлол йилларида инсон, унинг манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари олий кадрият даражасига кўтарилганини алоҳида таъкидлади.

Буни қарийб йигирма йиллик мустақил тараққиётимиз мобайнида Ватанимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш учун йўналтирилган давлат харажатлари 5 баравар кўпайиб, турмуш даражасининг сезиларли равишда яхшиланиши, натижада оналар ўлими 2 баравардан кўпроқ, болалар ўлими 3 баравар камайгани, одамларнинг ўртача умр кўриши 67 ёшдан 73 ёшга, жумладан, аёлларнинг ўртача умр кўриши 75 ёшга етганида ҳам кўриш мумкин.



Мамлакатимизда «Соғлом она — соғлом фарзанд — соғлом келажак» эзгу гоаси асосида изчиллик билан амалга оширилаётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Ортимизда репродуктив саломатлиқни мустаҳкамлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Чунки репродуктив саломатлик билан боғлиқ муаммолар оналар ва болалар касаллиғини ва ўлимининг асосий сабабларидандир.

Оналар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлашда 1998 йил 1 апрелда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Она ва бола скрининги» Давлат дастури муҳим омил бўлмоқда. Дастур ижроси юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида жойларда скрининг марказлари фаолияти йўлга қўйилди.

(Давоми 2-бетда.)

## ДЕПУТАТЛАР МАМЛАКАТ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИЛАР

26 ноябрь куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Мажлисининг Қонунчилик палатасининг Спикери Д.Тошмухамедова олиб борди.

Қонунчилик палатаси Кенгаши тақлиф қилинган кун тартибини тасдиқлагандан кейин депутатлар Ўзбекистон Республикасининг 2011 йилги Давлат бюджети лойиҳасини кўриб чиқдилар. Ушбу масала бўйича Бош вазирнинг биринчи ўринбосари — молия вазири Р.Азимов маъруза қилди,

Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг раиси Б.Иминов қўшимча маъруза билан сўзга чиқди.

Сўзга чиққанлар таъкидладиларки, мамлакатнинг асосий молиявий ҳўжжати макрroiқтисодий барқарорликни ва ялли ички маҳсулот ўсишининг барқарор юқори



суръатларини таъминлашга, модернизация, диверсификация қилинган ва рақобатбардош иқтисодий шакллантиришга, аҳоли фаровонлиги ва турмуш даражасини янада оширишга қаратилган.

(Давоми 2-бетда.)

✓ **Луқма**

## Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг

Обуна қандай бормоқда?

Ҳеч кимга сирмас, ҳар бир газета ва журналга, аввало, ўша нашр муассис бўлган ташкилот, идора тизимида обуначилар кўпчилигини ташкил этади. Иккинчидан, ўша нашр йўналишига дахлдор соҳалар раҳбарлари, ходимлари обунадан манфаатдор бўлади. Чунки улар касб-корларига оид янгиликлар, тажрибалар, фикр-мулоҳазалар билан танишиш ва ундан иш жараёнида фойдаланишни исташади.

Худди шунингдек, партия нашрлари учун, энг аввало, партия ташкилотлари асосий обуначилар ҳисобланади. Ўз нашрларига обуна бўлмаган партия бошланғич ташкилоти, туман ёки вилоят кенгаши партиянинг долзарб вазифалари, илгари сураётган гоалари, жойларда тўпланган тажрибалардан беҳабар қолади. Бундай ҳолатда партия ташкилоти фаолияти қандай бўлиши мумкин?..

Кўни кеча Сурхондарё вилоятидаги муҳбиримиз Абдумалик Хайдаров узатган ахборотга, тўғриси, дастлаб ишонгимиз келмай, қайта суриштириб чиқдик. Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг, партияимизнинг Олтинсой туман кенгаши шу кунгача «Ўзбекистон овози»га ҳам, «Голос Ўзбекистана»га ҳам обуна бўлмаган. Вақт борку, эҳтимол энди обуна

бўлишар, деб ўйлашингиз мумкин. Афсуски, туман кенгаши 2010 йил учун ҳам газеталаримизга обуна бўлмаган экан.

Қизиқ, вилоят партия кенгаши раҳбарлари ҳар йили туман кенгашлари партия нашрларига юз фоиз обуна бўлди, деб маълумот беришади-ку?.. Бу билан улар аслида ўзларини алдашмаяптими? Туман партия кенгаши партия нашрларига ҳаммадан олдин обуна бўлиши ва бошқа ташкилотларда ҳам обунани уюштиришда фаол иштирок этиши лозим эмасми? Ёки Олтинсойдаги партияимиз масууллари ўзларини газета ўқимасак ҳам ҳамма нарсани биламиз, деб ҳисоблашадими? Бу масалага вилоят партия кенгаши оидинлик киритадди, деб ўйлаймиз.

ЎзХДП Наманган вилоят кенгаши диққатига!

ИШОНЧГА  
БЕПИСАНДЛИК  
БИЛАН ЖАВОБ  
ҚИЛАСИЗМИ?!

→ 2

Долзарб мавзу

ГЛОБАЛ  
ЭКОЛОГИК  
ФАЛОКАТ

→ 3

Эътироф

Ўзбекистон билан Германия ўртасидаги ўзаро дўстлик ва ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланмоқда. Бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаёттир.

Бу жиҳатлар илм-фан, таълим ва маданият-маърифий йўналишларда ҳам ўзининг яққол ифодасини топапти. Илм-фан ва маърифий соҳалардаги алоқаларимизнинг тобора кенгайиши илмий тадқиқотлар самарадорлигини янада оширишга хизмат қилмоқда.

Ўзбекистонда маънавиятни юксалтириш йўлида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларда диний ва миллатлараро бағрикенглик тамойилларига қатъий амал қилинаётгани диққатга сазовордир.

Мартин-Михаэль ПАССАУЭР, Германиянинг Тарихий ўтмишини тадқиқ қилиш федерал фонди бошқаруви раисининг ўринбосари.

ОБ-ҲАВО 27-28.11.2010

	БУГУН	ЭРТАГА
Тошкент	☀️ 15°C	☀️ 17°C
Самарқанд	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Нукус	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Қарши	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Урганч	☀️ 10°C	☀️ 15°C
Навоий	☀️ 13°C	☀️ 18°C
Фарғона	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Бухоро	☀️ 13°C	☀️ 18°C
Андижон	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Наманган	☀️ 8°C	☀️ 13°C
Термиз	☀️ 15°C	☀️ 20°C
Жиззах	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Гулистон	☀️ 12°C	☀️ 17°C
Тошкент вил.	☀️ 12°C	☀️ 17°C

Лондон	☁️ 3°C	☁️ 1°C
Париж	☁️ 2°C	☁️ 2°C
Москва	☁️ -1°C	☁️ -6°C
Мадрид	☁️ 9°C	☁️ 9°C
Пекин	☁️ 5°C	☁️ 7°C
Гонконг	☁️ 23°C	☁️ 24°C
Рим	☁️ 16°C	☁️ 18°C
Анкара	☁️ 19°C	☁️ 20°C
Токио	☁️ 14°C	☁️ 16°C
Стокгольм	☁️ -8°C	☁️ -6°C
Кейптаун	☁️ 24°C	☁️ 23°C
Крйара	☁️ 17°C	☁️ 18°C
Гавана	☁️ 28°C	☁️ 27°C
Вашингтон	☁️ 13°C	☁️ 8°C

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT  
XALQARO  
AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Спорт

Гуанчжоуда ўтаётган Осиё ўйинларида мамлакатимиз спортчилари ҳозирча 11 та олтин, 22 та кумуш ва 23 та бронза медаллари билан умумжамоа ҳисобида 8-ўринни эгаллаб турибди.

→ 4

Муносабат

## Холис фикр ниқоби остида

Масаланинг асл моҳиятини тўшунманг муаллиф гапни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга айлантириб, эътироз билдирмоқчи бўлгани сезилиб турибди-ю ammo нима демоқчи экани маъхум. Умуман, айтадиган бирон-бир жўяли фикринг бўлмаса, одамларнинг вақтини олишдан фойда нима?

→ 2

«ЎЗБЕКISTON OVOZI» — ХИЛМА-ХИЛ ФИКРЛАР МИНБАРИ,  
СИЗНИНГ МИНБАРИНГИЗ!

Обуна индекси — 220










Долзарб мавзу

Мамлакатимиз пойтахти Тошкентда бўлиб ўтган «Ўрта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммолари: уларни ҳал этишда халқаро ҳуқуқ механизмларини қўллаш» халқаро конференция иштирокчилари Сурхондарё вилоятида экологик танглик тобора кучайиб бораётганини алоҳида таъкидлашди.



ГЛОБАЛ ЭКОЛОГИК ФАЛОКАТ

ёки Тожикистон алюминий заводи Сурхондарё вилоятининг Сарюсий, Узун, Денов, Олтинсой туманлари аҳолиси саломатлигига, табиат ва ҳайвонот оламига жиддий хавф солаётгани ҳақида

Тожикистон алюминий заводининг мўриларидан бўриқиб чиқаётган қора тўтуларни кўриб — дейди Туркия атроф-муҳит ва ўрмон ҳўжалиги вазирлигининг муҳандис-эколог Явуз Гордик.

жада ҳайвонларнинг тишлари буткул емирилиб тушяпти. Тос суяклар мўрт, дум қисмларидаги 4-5 умуртқалар яроқсиз...

ва танглайи нуқсонли, мажрўх туғилуши эса йилдан-йилга кўпайиб кўзатишмоқда.

тинсой, Шўрчи туманларида ҳам шундай ҳол кузатишмоқда. Одамлар иложсизликдан фарзандлари ва ўзларининг соғлигини ўйлаб, мажбуран шу йўлни танлашяпти...

лиглан. Аёлларнинг соч толалари текширилганда фтор микдори 2-3 баробар кўплиги аниқланган.

— Урта Осиёнинг трансчегаравий экологик муаммоси нафақат ушбу минтақанинг, балки бутун дунёнинг муаммосидир — дейди Европанинг тарихий вилоятлари иттифоқи раҳбари Витторжо Жоржи жаноблари.

Тожикистон алюминий заводида чиқаётган фторли водород, олтингугурт оксиди, азот оксиди, углерод оксиди ва бошқа захарли тўтулар борлиқи тобора ўз домига қайта келмоқда.

Заводнинг атроф-муҳитга салбий таъсири нозорат қилиш мақсадида вилоят табиати муҳофазаси қилиш қўмитаси, гидрометеорология бошқармаси, Сарюсий туманлари табиати кузатиш мониторинг маркази ва вилоят санитария эпидемиология нозорати маркази ходимлари билан ҳамкорликда йиллар давомида кўплаб текширишлар олиб борилган.

Биз Шўрчида бўлганимизда ўрикнинг қовчираб қолган барги 27 жойдан тешилганини кўрдик. Тут барги эса бу янада кўп — 38 та. Бугун ушбу туманларда пилла етиштириш имконияти қолмади ҳисоби.

20-35 ёшдаги кишиларнинг тишлари тўқилиб кетмоқда. Аналар сўти таркибда хром, бром, темир, рух, олтин моддалари камайган.

— Тожикистон алюминий заводи биздан 35-40 чакирим олинсада жойлашган — дейди Сарюсий туман тиббиёт бирлашмаси бош шифокори Исмомил Юсуфов.

Заводда қўлланилаётган технологиялар аллақачон эскирган, бир қатор тозалаш иншоотлари ишаламайди. Шунга қарамастан, корхонада ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш ва кенгайтириш кўзда тутилмоқда.

Олимлар ва мутахассислар «...Агар завод фаолиятини ҳозирок тўхтатганда ҳам, воҳанинг шимолий туманлари аввалги ҳолатига яна 30-40 йилдан сўнг қайтади» дейишяпти.

1994 йилда Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида Тожикистон алюминий заводидаги таъсирни бартараф этиш масаласида ҳамкорлик келишуви имзоланган.

Жанубий Ўзбекистон мева-узумчилик тажриба станцияси олимлари ва мутахассислари худудий гуруҳларга бўлинган ҳолда Сарюсий туманидаги «Дашнобод», «Сарюсий», «Ҳазорбоғ», Амир Темур номи сувдан фойдаланиш уюшмалари, Олтинсой туманидаги «Бобур» ҳамда Жарқўрғондаги «Ҳамид Олимп» номи сувдан фойдаланиш уюшмаларида тадқиқот ишларини олиб боришган...

— Азалдан Сарюсий чорваси ривожланган худуд ҳисобланган — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи Амрило Саидов.

Афсуски, кейинги вақтларда бу рақамлар янада катталашди. Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Тутун йўналишида жойлашган Узун туманида аҳоли, айниқса, ачинарли. Мазкур худудларда аёлларда ҳомиланинг эрта тушиши, туғуруқ асоратлари, флюороз, эндокрин, қандли диабет, аллергия, камқонлик, ҳафконлик, усма, бўғин, бўқоқ касалликлари йилдан-йилга кўпаймоқда.

1994 йилда Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида Тожикистон алюминий заводидаги таъсирни бартараф этиш масаласида ҳамкорлик келишуви имзоланган.

«Дашнобод» ширкат ҳўжалигида 11 минг тоннагача анор етиштирилган бўлса, бугун бу кўрсаткич бир неча баробарга камайган...

— Азалдан Сарюсий чорваси ривожланган худуд ҳисобланган — дейди туман ветеринария бўлими бошлиғи Амрило Саидов.

Минг афсуски, кейинги вақтларда бу рақамлар янада катталашди. Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Олимлар ва мутахассислар «...Агар завод фаолиятини ҳозирок тўхтатганда ҳам, воҳанинг шимолий туманлари аввалги ҳолатига яна 30-40 йилдан сўнг қайтади» дейишяпти.

1994 йилда Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон Республикалари ўртасида Тожикистон алюминий заводидаги таъсирни бартараф этиш масаласида ҳамкорлик келишуви имзоланган.

«Дашнобод» ширкат ҳўжалигида 11 минг тоннагача анор етиштирилган бўлса, бугун бу кўрсаткич бир неча баробарга камайган...

ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ

унинг ҳуқуқий асослари такомиллашди

Қонун ва шарҳ Бугун жаҳон ҳамжамияти олдида турган муҳим вазифалардан бири табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш, улардан аҳолини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирларни кўришдир.

Статистик рақамларнинг кўрсатишича, табиий ва техноген ҳодисалардан ҳалок бўлаётганлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда. Табиий фалокатлардан сақланиш бўйича халқаро стратегияга мувофиқ, 2000 йилдан 2009 йилгача турли ҳодисаларда ҳалок бўлганлар сони йилга 78 минг нафарга етган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ҳалок бўлаётганларнинг қатта қисми табиий офат курбонига айланмоқда. Масалан, Индонезиянинг Суматра оролида содир бўлган ер қимирлаш вақтида ҳалок бўлганлар ўша йили табиий офатларда ҳалок бўлган жами 10416 кишининг яримдан кўпини ташкил этади.

Ҳалокатлар натижасида атроф-муҳит ўнлаб бўлмас даражада ифлосланади, иқтисодийта ҳам мисли кўрилмаган зарар етди. Шу боис БМТ Бош Ассамблеяси 1990-2000 йиллари табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Халқаро ўн йиллик деб резолюция қабул қилди.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Айни пайтда техноген хусусиятли ҳалокатлар ҳам тобора долзарб бўлиб қолмоқда. Улар бевосита тизимнинг носозлиғи, ишга яроқсизлиги ёки ишдан чиққанилиги тўғрисида бўлади. Бундай

Ҳалокатлар натижасида атроф-муҳит ўнлаб бўлмас даражада ифлосланади, иқтисодийта ҳам мисли кўрилмаган зарар етди. Шу боис БМТ Бош Ассамблеяси 1990-2000 йиллари табиий офатлар хавфини камайтириш бўйича Халқаро ўн йиллик деб резолюция қабул қилди.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Ушбу туманларда бир йилда 120 нафардан ортиқ аёлда муддатидан аввал туғуруқ ҳомила тушиш ҳолатлари юз берган.

Хорижда Икки ой ўтгач

натижа эълон қилинди Афғонистонда бундан икки ой муқаддам ўтказилган парламент сайловларининг натижалари энди эълон қилинди.

ИТАР-ТАСС маълум қилишича, мустақил сайлов комиссияси Халқ палатаси (қўйи палата)нинг 249 кишилик мандатини қўлга киритган депутатлар рўйхатини ўқиб эшиттирди.

Гоминдантлик соати

Беларус маъмурияти ўсмирлар учун комендантлик соати жорий этиш тўғрисидаги таклифини кўриб чиқмоқда, дея хабар беради «Телеграф» АА.



Вазирлик кечки соат 23 дан кейин воёга етмаган ўсмирларнинг катталар кузатувисиз қўнға чиқишларини тақиқлаш улар ўртасидаги жиноятчиликни камайтиради, деб ҳисобламоқда.

Ўзаро савдо-сотик

миллий валюталарда амалга оширилади

Хитой ва Россия ўзаро савдо-сотикда одатдагидек АҚШ долларига эмас, балки Хитой ва Россиянинг миллий валюталарида ҳисоб-китоб қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Санкт-Петербург шаҳрида Россия Федерацияси бош вазири Владимир Путин ва Хитой Халқ Республикаси вакили Вен Цзябао ўртасида бўлиб ўтган учрашувда шу масала муҳокама қилинди ва бир тўхтама қилинди.

Мудофаа вазири ва...

бошқа мансабдор ҳарбийлар истеъфога чиқди

Жанубий Кореянинг мудофаа вазири Ким Тхэ Ён ва мамлакатнинг бошқа мансабдор ҳарбий раҳбарлари истеъфога чиқди.



Депутатлар ҳарбий мансаб эгаларини Шимолий Корея ҳарбийларининг артиллериядан ўққа туттишларига муносиб жавоб қайтаролмаганлиқда айбонланди, дейилади «Ренхан» АА хабарига.

Эслаб ўтатиш: 23 ноябрь куни Шимолий Корея ҳарбийлари Сарик денгиздаги Жанубий Кореянинг Ёнхёндон оролига артиллерия ҳўкуми уюштиргани натижасида 2 нафар ҳарбий ва 2 нафар тин аҳоли вакили қурбон бўлди, 18 киши эса турли даражада тан жароҳати олди.

Дарвоқе, Корея Республикаси маъмурияти Сарик денгиздаги Корея Халқ Демократик Республикаси билан чегарадош худудларда ҳарбий нозоратни кучайтириш тўғрисида қарор қабул қилди.

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси жамоаси ўқшма аъзоси Урол СТАЕВНИНГ вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳўқур таззия изҳор этади.



# МАМЛАКАТИМИЗ СПОРТЧИЛАРИНИНГ XVI ОСИЁ ЎЙИНЛАРИДАГИ ЎРҚИН ҒАЛАБАЛАРИ



**Гуанчжоуда ўтказилаётган қитъамизнинг нуфузли мусобақаси 13-кунда ҳамюртларимиз 5 та олтин, 4 та кумуш, битта бронза медаллари билан шарафланди**

■ Икки карра жаҳон чемпиони, кейинги икки йилда жаҳонда «Йилнинг энг яхши каноэчиси» деб эътироф этилган номдор спортчимиз Вадим Меньковнинг Осие ўйинларида голиб чиқишига ҳаммамиз ишонгандик.



Бадий гимнастика терма жамоаси

Дарҳақиқат, у 25 ноябрь тонгида 1000 метрга каноэда эшак эшишда бутун қитъада тенгсиз эканлигини яна бир карра исботлади.

Ғолибона юришимизни Серик Мирбеков ва Герасим Кочневдан иборат жуфтлик каноэчиларимиз 1000 метр масофага эшак эшишда давом этти-

ришди. Навбат байдаркачиларимизга берилди. Сергей Борзов, Алексей Бобононов, Вячеслав Горин, Алексей Мочаловдан иборат тўртлигимиз

тини оламга таратаётган Элшод Расулов ҳам (81 кг) финалда ҳиндистонлик рақибига ҳеч бир имконият қолдирмади ва юртимизга XVI Осие ўйинларининг ўнинчи олтин медалини тақдим этди.

Шу кун эркин курашчимиз Курбон Курбон (96 кг) ва боксчимиз Уктам Раҳмонов (69 кг) кумуш медал билан тақдирланди. Агар Уктамнинг иқтидорли ёш спортчиларимиздан бири эканлигини ва финалда Олимпия чемпиони қарши жанг олиб борганини инобатга олсак, у қўлга киритган кумуш медални муваффақиятларимиз сирасига киритсак бўлади.


Мамлакатимизда аёллар ўртасида спортни янада оммалаштириш борасида катта ишлар амалга оширилаётгани Осие ўйинларида ҳам ўзифодасини толапти. Осие ўйинларининг бадий гимнастика жамоа мусобақаларида биринчи марта қатнашган Жамила Раҳматова, Уляна Трофимова ва Замира Санатуловадан иборат мамлакатимиз терма жамоаси кумуш медал билан шарафлангани бунинг ёрқин исботидир.

Шу кун Юлия Борзова, Екатерина Шубина, Ксения Прилепскова ва Виктория Петришинадан иборат байдаркачиларимиз тўртлиги ҳам 500 метр масофага эшак мусобақаси ақнида кумуш медалларга муносиб кўрилди.

Тахрибали спортчимиз Гўзал Хуббиева 100 метрга югуриш мусобақасида кумуш медални қўлга киритганди. У 200 метрга югуриш мусобақасида учинчи ўринни эгаллади ва ўзининг кумуш медални ёнига бронза медални ҳам қўшиб қўйди.

Халқимиз спортчиларимиз муваффақиятларини нишонлаётган вақтида шоҳматчи қизларимиз нафақат қитъамизда, балки жаҳонда кучли ҳисобланган Ҳиндистон аёллар терма жамоасига қарши кечаётган ярим финал баҳсида бор интеллектуал салоҳиятларини жамлаган ҳолда дона суришганди.

Маълумки, Ҳиндистон шоҳмат ватани ҳисобланади ва ҳозирги кунда ҳам гроссмейстерлари жаҳонда етакчи ўринларни эгаллаган (бунинг учун Ҳиндистонлик Вишванатан Ананднинг жаҳон чемпиони эканлигини аслашимиз кифоя). Лекин дунёдаги шоҳматга оид энг қадимий (I-II асрларга тааллуқли) археологик ашё бизнинг юртимизда —



Элшод Расулов — чемпион

Далварзинтепада топишган. Бундан ташқари, XI-X асрларда айнан бизнинг юртимизда шоҳмат (шатранж) янги ривожланиш босқичига кўтарилган (яъни, шатранждаги шашхал тошига қараб юришдан воз кечилган) ва ниҳоят ҳамюртчимиз Рустам Қосимжон XVII жаҳон чемпиони, XVI Осие ўйинлари голиблари қаторидан ҳам ўрин олди.

Шу боис таниқли шоҳматшуносимиз Мамажон Муҳиддинов Ўзбекистон ҳам шоҳмат ватанларидан бири эканлигини номзодлик диссертациясида илмий жиҳатдан асослаб берганди. Лекин кимнинг кучли эканлиги шоҳмат таъси узра ҳал этилади. Қизларимиз Ҳиндистонликлар устидан 2,5:1,5 ҳисобида ғалаба қозонишди. Бу ғалаба шоҳматчи қизларимизга финал эшиқларини очди.

Кеча бўлиб ўтган тонги мусобақалардаёқ 20 ёшли Алексей Мочалов 200 метрга байдаркада эшак эшишда бронза медалига сазовор бўлди. Эшак эшиш турида навқирон авлод эришган муваффақиятни тахрибали байдаркачиларимиз Алексей Бобононов ва Сергей Борзов бир поғона кўтарди. 200 метрга эшак эшиш мусобақаси ақнида улар кўксини кумуш медаллари бегади.

Яқинда ниҳоясига етган жаҳон чемпионатида ёш гимнастикачимиз Уляна Трофимова «Мусобақа кашфиёти» сифатида Барно Мирзаева (61 кг) бронза медалини қўлга киритди. Бош стадионда эса энгил атлетикачиларимиз бирин-кетин медалларга эгалик қилишди. Баландикка сакрашда Светлана Радзивиля 195 см юксакликни забт этиб, Осие ўйинлари чемпиони бўлди. 193 см наътижа кўрсатган Надя Дусанова кўксини кумуш медал бегади. Найза улқтириш мусобақаларида бироз жароҳати билан қатнашган Ринат Арзуманов эса бронза медали билан қаноатланди. Бу вақтда Нафиса Мўминова, Ольга Ким, Юлдуз Ҳамроқулова ва Нодира Нодиржоновдан иборат шоҳмат терма жамоамиз финалда хитойликларга қарши дона суришди ва кумуш медал билан кифояланди.

Номдор боксчимиз, икки карра жаҳон чемпиони Аббос Атоев (75 кг) кутилмаганда Ҳиндистонлик рақибига ютқазиб қўйди ва кумуш медал билан кифояланди. Умумжамоа ҳисобида ҳозирча мамлакатимиз спортчилари 45 давлат вакиллари орасида 8-ўринни эгаллаган.

Осие ўйинларида эришган ёрқин ғалабалари билан барча спортчиларимизни, уларнинг мураббийлари ва яқинларини, спорт жамоатчилигимизни, халқимизни муборакбод этамиз.

Аскар МҮМИН

Спортчиларимизнинг Осие ўйинларидаги барча медаллари

Йил	Шаҳар	Олтин	Кумуш	Бронза	Жами
1994	Хиросима	10	12	20	42
1998	Бангкок	6	22	24	52
2002	Пусан	15	12	24	51
2006	Доха	11	14	14	39
2010	Гуанчжоу	11	22	23	56

Юқорида берилган жадвалдаги маълумотлар спортчиларимиз бу йилги Осие ўйинларида энг кўп медал қўлга киритганини кўзгудагидай ақс эттириб турибди.




Светлана Радзивиля 195 см юксакликни забт этди!

Байдаркачи Сергей Борзов ва Алексей Бобононов



Осие ўйинлари кашфиёти Уляна Трофимова



Артур яна голиб бўлди

**BOSH MUHARRIR:**  
Safar OSTONOV  
**TAHRIR HAY'ATI:**  
Abdulla ORIPOV  
Latif G'ULOMOV  
Bobir ALIMOV  
Sharbat ABDULLAYEVA  
Murodulla ABDULLAYEV  
Ulug'bek MUSTAFOYEV  
Ta' yana KISTANOVA  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
G'afur HOTAMOV  
(Bosh muharrir o'rinbosari)  
Muslihidin MUHIDDINOV  
Andrey KUSTOV  
Ochilboy RAMATOV  
Saidahmad RAHIMOV

**MUASSIS:**  
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

**BO'LIMLAR:**  
Partiya hayoti 233-10-13  
Madaniyat va sport 233-69-45,

Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55

Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56  
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80  
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

**VILOYAT MUXBIRLARI:**

- Andijonda — (374) 225-32-70
- Buxoroda — (365) 223-06-02
- Gulistonda — (367) 225-46-45
- Jizzaxda — (372) 227-48-35
- Navoiyda — (436) 223-83-73
- Namanganda — (369) 226-43-81
- Nukusda — (361) 222-77-21
- Samarqandda — (366) 235-02-55
- Urganchda — (362) 517-30-58
- Farg'onada — (373) 224-18-78
- Denovda — (376) 412-37-80

**MANZILIMIZ:**  
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.  
Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi» ning kompyuter markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV  
«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.  
Korxonaning manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 1049  
7648 nusxada bosildi  
1 — Tijorat materiallari  
ISSN 2010-7633  
O'zA yakuni — 20.30  
Topshirilgan vaqti — 00.45  
1 2 3 4  
Sotuvda erkin narxda